



ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ИНГАЛИПТ - Н

Препаратнинг савдо номи: Ингалипт-Н

Таъсир этувчи моддалар (ХПН): эрувчан стрептоцид, сульфатиазол натрий гексагидрат

Дори шакли: оғиз бўшлиғи учун спрей.

Таркиби:

1 баллон қуйидагиларни сақлайди:

фаол моддалар: 0,75 г эрувчан стрептоцид, 0,75 г сульфатиазол натрий гексагидрати;

ёрдамчи моддалар: тимол, қалампир ялпиз мойи, эвкалипт мойи, глицерин, 96% ли этанол, полисорбат 80, сахароза, тозаланган сув.

Таърифи: тиник оч сариқдан тўқ сариқ ранггача бўлган, ўзига ҳос ҳидга эга суюқлик.

Фармакотерапевтик гурухи: ЛОР-органлари касалликларини даволовчи восита.

АТХ коди: R02AA20.

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

Ингалипт-Н антибактериал ва яллигланишга қарши таъсир кўрсатади, шунингдек совитувчи ва чалғитувчи таъсирга ҳам эга. Кўрсатилган фармакологик хусусиятлар бирлашуви юқори нафас йўллари ва оғиз бўшлиғининг шиллиқ қаватини яллигланиш касалликларида комплекс патогенетик терапияни таъминлайди. Ингалипт-Н организмга ульцероген ва умумтоксик таъсир кўрсатмайди.

Фармакокинетикаси

Ингалипт-Н маҳаллий қўллаш учун мўлжалланган ва терапевтик концентрацияни асосан яллигланиш ўчогида намоён этади. Тизимли қон оқимига сульфаниламиidlар (эрувчан стрептоцид ва норсульфазол натрий) қисман сўрилади, ва яна қайтадан қон оқсиллари билан боғланади: эрувчан стрептоцид 12-14% га, норсульфазол натрий 55% га. Биотрансфармация жараёнида буйраклар орқали чиқариладиган сульфаниламиларнинг ацетилланган шакллари ҳосил бўлади. Эрувчан стрептоцидни ярим чиқарилиш даври 10 соат, норсульфазол натрийники эса – 1,2 соат.

Кўлланилиши

ЛОР-органлари ва оғиз бўшлиғининг шиллиқ қаватини (тонзиллит, фарингит, ларингит, афтоз ва ярали стоматитлар) инфекцион-яллигланиш касалликларини маҳаллий даволаш.

Кўллаш усули ва дозалари

Катталар ва 3 ёшдан ошган болалар учун оғиз бўшлиғи ва димогни шиллиқ қаватига маҳаллий сепилади.

Катталарга суткасига 3-4 марта сепилади.

3 ёшдан ошган болалар учун суткасига 1-2 марта сепилади, агар шифокорнинг бошқа кўрсатмаси бўлмаса.

Препаратни қўллаш давомийлиги касаллик кечишига боғлиқ ва одатда 3-10 суткани ташкил этади.

Кўллаш давомийлиги ва тез-тезлиги якка тартибда шифокор томонидан белгиланади ва касалликнинг кечишига боғлиқ!

Баллонни қўллаш қоидалари.

1. Баллондан ҳимоя қалпоғи ечилсин.
2. Баллонга тозалиги текширилгандан сўнг томоқ каллаги (пуркагич) кийдирилсин.
3. Баллонни бир неча маротаба силкитилсин ва 7 мартагача каллак босилсин дисперс оқим пайдо бўлгунча. Агар оқим пайдо бўлмаса ушбу ҳаракатларни яна қайтаришга руҳсат этилади.
4. Пуркагични эркин қисмини оғиз бўшлиғига киритиб, баллонни вертикал ҳолатда ушлаб турилади ва пуркагични бошчаси босилади. Сепишнинг бир сеансида Ингалипт-Н 2-3 марта пуркалади.
5. Сепишни тугатиб, пуркагични баллон штокидан ечилади ва ифлосланишини олдини олиш учун баллонга ҳимоя қалпоғи кийдирилади.
6. Пуркагични тоза сақлаш лозим, препаратни қўллагандан сўнг уни иссиқ сувда юваб сўнг куритилади.

Ножўя таъсирлари

Аллергик реакциялар шу жумладан тери тошмаси, қичишиш, қўлланилган жойда шиш, ангионевротик шиш, бронхоспазм, эшакеми.

Препарат одатда яхши ўзлаштирилади, баъзи ҳолатларда қуидагилар мумкин:

Иммун тизими томонидан: аллергик реакциялар, шу жумладан ангионевротик шиш ва бронхоспазм.

Тери томонидан: тошмалар, қичишиш, эшакеми, қўлланилган жойда шиш.

Овқат ҳазм қилиш тизими томонидан: кўнгил айниши, қусиш, маҳаллий таъсирлар (томуқда зарда бўлиш, нарса тикилиши ёки қичишиши).

Бошқалар: умумий ҳолсизлик, нафас олишнинг қийинлашуви кузатилиши мумкин.

Номақбул ҳолатлар ёки ноодатий реакциялар юзага келганда препаратни қўллашини давом этириши тўғрисида шифокор билан маслаҳатлашиши зарур.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Препаратнинг компонентларига юқори сезувчанлик, анамнезда сульфаниламидларга бўлган оғир токсик-аллергик реакциялар.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Агар сиз қандайдир бошқа дори воситаларини қўллаётган бўлсангиз препаратни қўллашда давом этиши тўғрисида шифокор билан албатта маслаҳатлашинг!

Парааминобензой кислотасининг ҳосилалари бўлган препаратлар (новокаин, анестезин, дикаин) билан бир вақтда қўлланганда препаратнинг антимикроб таъсири пасайиши мумкин.

Махсус қўрсатмалар

Препаратни қўллашдан аввал аллергияга мойил бўлган шаҳслар шифокор билан маслаҳатлашиши зарур!

Шифокор билан маслаҳатлашмай туриб препаратни қўрсатилган муддатдан кўн қўлламанг!

Аввал ушибу гурухдан бўлган препаратни қўллашда юзага келган реакция ҳақида шифокорга албатта ҳабар бериш лозим.

Препаратни кўзга тегишига йўл қўйилмасин!

Биринчи марта қўллашдан аввал 7 мартагача каллак босилсин дисперс оқим пайдо бўлгунча. Агар оқим пайдо бўлмаса ушбу ҳаракатларни яна қайтаришга руҳсат этилади.

Препаратни қўллашдан аввал оғиз бўшлиғини қайнаган иссиқ сув билан чайиш тавсия этилади. Оғиз бўшлиғини шикастланган (яралар, эрозиялар) жойларидан стерил тампонлар ёрдамида некротик қавати олиб ташлансин.

Препаратни оғиз бўшлиғига сепгандан сўнг 15-30 дақиқа давомида овқат истеъмол қилмаслик зарур.

Препаратни ишлатгандан сўнг, пуркагични баллон штокидан ечилади ва иссиқ сув билан ювилади. Ифлосланишини олдини олиш учун баллонга ҳимоя қалпоғи кийдирилади.

Препаратни болаларда қўллаганда қўйидагиларни инобатга олиш керак, 1-2 пуркашдаги препаратнинг бир дозаси 0,0076-0,0152 мл этанол (96%) сақлайди, шунда бир марталик доза: 3-5 ёшдаги болалар учун (тана массаси 15-21 кг) 0,0004-0,0013 мл/кг, 6-12 ёш болаларда (тана массаси 21-38 кг) 0,0002-0,0007 мл/кг.

Дори воситаси таркибида сахароза бўлганлиги сабабли, кам учровчи фруктозани кўтаролмаслик ирсий касаллиги бўлган, глюкоза-галактоза камабсорбция синдроми ёки сахароза-изомальтоза этишмовчилиги бўлган bemорларга ушбу препаратни қабул қилиш тавсия этилмайди.

Ҳомиладорлик ва эмизиш даврида қўлланилиши.

Препаратни ҳомиладорлик ёки эмизиш даврида қўллаш шифокор назорати остида мумкин, фойда/хавф нисбатини ўрганиб ва препаратни дозаланишига қаттиқ риоя қилган ҳолатда.

Автотранспортни ва бошқа механизмларни бошқаришида реакция тезлигига таъсири.

Препарат транспорт воситалари ва механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири қилмайди, лекин автотрансопорт хайдовчилари шуни инобатга олиш керакки, алкоголь миқдорини аниқлаш натижаларини хато кўрсатиши мумкин.

Болалар.

Препарат З ёшга тўлмаган болаларда қўлланилмасин. З ёшдан бўлган болаларда эҳтиёткорлик билан қўлланилсин, эвкалипт ва қалампир ялпизнинг эфир мойлари бўлганлиги сабабли уларда рефлектор бронхоспазм ривожланиши мумкин. Болаларни даволаш шифокор назорати остида олиб борилиши керак.

Дозани ошириб юборилиши

Дозани ошириб юбориш ҳолатлари баён этилмаган. Ножўя таъсиrlари кучайиши мумкин.

Даволаи: препаратни бекор қилиш, оғиз бўшлиғини иссиқ қайнаган сув билан чайиш. Симптоматик даволаш.

Чиқарилиш шакли

30 г дан алюминийли баллонда пуркагич ва ҳимоя қалпоқчаси билан.

Ҳар бир баллон тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон қутида.

Сақлаш шароити

25°С дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Болалар ололмайдиган, оловдан узоқ жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати

2 йил.

Яроқлилик муддати тугагандан сўнг қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчи

«Микрофарм» МЧЖ

Украина, 61013, Харков ш., Шевченко кўч. 20

**Ўзбекистон Республикаси худудида дори воситасини сифати бўйича эътиrozлар
(таклифлар)ни қабул қилувчи ташкилотнинг номи ва манзили**
«PHARMALINE IMPEXTRADE» МЧЖ
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Чилонзор 6, Чопон-Ота кўч., 17/1.